

Қўрққанда айтиладиган дуо



09:50 / 16.05.2025 1786

Амр ибн Шуайб оталаридан, оталари боболаридан ривоят қиладилар:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бирор нарсадан қўрққан кишиларга:

??????? ?????????????? ?????? ?????????????????? ?????

????????? ?????????? ?????????????? ?????????? ??????????????

????????????????????? ?????????? ??????????????????

«**Аъзуз бикалиматиллаҳит таммаҳ мин ғозобиҳи ва шарри ѓибадиҳи ва мин ҳамазатиш шайатийни ва ан йаҳзуруни**», деб айтишни ўргатар эдилар.

Маъноси: Аллоҳнинг мукамал калималари билан ғзабидан ва бандаларининг ёмонлигидан ва шайтон васваса қилиб, менинг ёнимда ҳозир бўлишидан паноҳ тилайман.

Абу Довуд ва Термизий ривояти.

Абдуллоҳ ибн Амр ақли кирган фарзандларига ушбу калималарни ўргатардилар. Ақли кирмаганларига эса ёзиб, унга илиб қўярдилар.

Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан

Таржимон Анвар Аҳмад

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2290-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.